Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2014-yil 29-mart, shanba № 24 (15766)

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.***

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чорагида ШҲТга аъзо давлатлар ва ШҲТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик, сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Ислом Республикасидан 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШҲТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари келишиб олинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган «Шарқ-Аксилтеррор – 2014» аксилтеррор машғулотлари якунларига юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияларини ўтказиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябрь ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

## Бугун ва келажак



Рустам Назарматов олган сурат

*Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda*

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

***Ватанимиз тараққиёти, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олиши кўп жиҳатдан униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришига боғлиқ. Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида ёшлар учун барча шароит ва кенг имкониятларни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу эътиборнинг самарасини ёшларимиз турли соҳаларда эришаётган ютуқларда яққол кўриб турибмиз.***

Мустақиллик йилларида Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон ҳар томонлама обод ва кўркам шаҳарга айланди. «Алпомиш» спорт мажмуаси, замонавий сузиш ҳавзаси, «Анҳор» дам олиш маскани, қатор мусиқа ва санъат мактаблари ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда вояга етказишдек олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

Шаҳардаги барча таълим муассасалари замонавий талаблар асосида капитал реконструкция қилинди, янгилари барпо этилди. Гулистон ахборот технологиялари, тиббиёт, педагогика коллежларида ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топиши учун барча шароит яратилган. 2013 йилда улар сафига ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб-интернати қўшилди. Қарийб 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган 300 ўринли ушбу муассасада ёш истеъдод соҳиблари тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, миллий ва жаҳон классик мусиқаси, эстрада йўналишлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини бойитмоқда.

«Таълим барча учун» шиори остида ногирон, имконияти чекланган болалар инклюзив таълим асосида уйда таҳсил олмоқда. Уларнинг ҳар бирига алоҳида, катта ёшлиларига эса ҳар бир фан бўйича ўқитувчи бириктирилган.

Йигирмадан ортиқ замонавий спорт мажмуасида ҳозирги кунда 4 минг 500 нафар ёш спортнинг 18 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 1 минг 800 нафари қизлардир.

Яратилган бундай шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўтган йили 234 нафар гулистонлик ёш мамлакат миқёсида совринли ўринларни қўлга киритди. Дилбар Холжигитова таэквондо бўйича Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлди, Дилшод Бозоров эса эркин кураш бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада совриндорлар қаторидан жой олди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш доимий эътиборимизда бўлиб келмоқда. Хусусан, 2013 йилда 2200 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси битирувчиси уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилди. Юзга яқин битирувчи ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Уларнинг 17 нафарига 86 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**(Давоми, аввали 1-саҳифада)**

Бугунги кунда Гулистонда 489 нафар ёш тадбиркор, 200 нафар ёш ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Ёшларимиз электротехника ва компьютер технологиялари, дизайн ва замонавий сервис, чарм-пойабзал, қандолатчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда бизнес юритишни маъқул кўришмоқда.

Шаҳримизнинг 4-мавзесида жойлашган Болалар шаҳарчасида ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар замонавий шароитларда тарбияланмоқда. 2013 йилда мазкур муассасада ҳомийлар кўмагида қўшимча 110 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган. Шаҳардаги "Кенгашлар уйи"ни "Ёшлар маркази"га айлантиришга оид лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу ерда 2 миллиард 800 миллион сўмлиқдан зиёд капитал реконструкция ишлари амалга оширилиб, консультатив ва соғломлаштириш марказлари, бизнес ва ҳунармандчиликка оид ўқув курслари ташкил этиш кўзда тутилган.

Гулистон туманининг шаҳарга туташ ҳудудида "Камолот" шаҳарчаси бунёд этилади. Шаҳарчада 4 қаватли турар-жой бинолари, спорт ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари қад ростлайди. Ёшларга уй сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши мўлжалланган.

Ёшларнинг гиёҳвандлик, "оммавий маданият", одам савдоси ва бошқа турли иллатлар гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига янада кенгроқ жалб этиш борасида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. 2013 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда 1400 дан ортиқ ана шундай тадбир ўтказилди. Касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган "Бувижонлар бонг уради" лойиҳаси қизларни оилага тайёрлаш борасида табаррук онахонларимизнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Мухтасар айтганда, ёшларни юртимиз тараққиётининг етакчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши йўлидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилади. Ёшларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади. Зеро, ёшларга ғамхўрлик эртамизга ғамхўрлик деганидир. Эртасини ўйламаган халқнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги нурли, ёруғ бўлиши қийин.

**Нодиржон СУЛАЙМОНОВ,**
**Гулистон шаҳар ҳокими.**
**(ЎзА)**

*Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda*

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг табрик сўзидаги ҳар бир жумла юрагимизга қанчалар яқин. Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата «Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради», дея айтган сўзлари кўплар қатори мени ҳам беҳад тўлқинлантириб юборди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат қудратини ёшлар салоҳияти, уларнинг орзу-интилишлари ва ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқара олиш қобилияти белгилайди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, навқирон авлоднинг ўқиб-изланиши, катта ҳаётга дадил кириб бориши учун барча имкониятлар яратилди. Бугун бу саъй-ҳаракатларнинг самарасини наинки ўзимиз, балки бутун дунё кўриб турибди.

Шундай имкониятларга бой Ватанда яшаш, илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш бизни улуғ орзулар сари илҳомлантиради.

...Ҳар куни қувонч билан университетга ошиқаман. У ерда мени бири-биридан зукко дўстларим, янгидан-янги билимлар қарши олади. Энди ўзингиз ўйланг, шундай муҳитда таълим олаётган биз, ёшларнинг хорижий тилларни, илғор ахборот технологияларини билмаслигимиз, фан-техника ютуқларидан хабардор бўлмаслигимиз мумкинми? Йўқ, асло!

Бу масъулият, яратилган шарт-шароитларга муносиб бўлиш туйғуси мени бир зум бўлса-да, тинч қўймайди. Ўз устимда тинимсиз изланишга, катта мақсадлар сари дадил одимлашга ундайверади.

2009 йил адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. 2012 йил Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлдим. «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловида ғолибликни қўлга киритдим. Ўтган йили Германиянинг Геология илмий-тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган халқаро танловда ғолиб бўлдим. Хорижда ўтказилган бир қатор илмий-амалий конференцияларда қатнашдим. Ҳозир инглиз, араб, хитой тилларида сўзлашаман. Спортнинг шотокан каратэ-до тури билан шуғулланаман.

Бугун жаҳоннинг айрим минтақаларида рўй бераётган турли воқеа-ҳодисаларни кузатиб, Ўзбекистондек тинч-осойишта юртда дунёга келганимга шукрона айтаман.

Ўзлигимни, келажагимни жонажон Ватаним тақдири билан боғлиқ кўраман. Ҳаётим мазмуни шу юрт, шу она замин, деб биламан ва бунга қатъий ишонаман. Негаки, озод ва обод диёримизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун, жамики ислоҳотлар аввало инсон манфаатларига хизмат қилади, ёшлар бугуннинг ва эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея юксак қадрланади.

Бунга жавобан қатъий ишонч билан айтгим келади: биз, ёшлар, албатта, буюк келажакни қурамиз, Президентимизнинг ишончига ўз қобилиятимиз, билим ва салоҳиятимиз, эришаётган ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.**
**(ЎзА)**

*«Kamolot» ko'zgusi*

# 64 КАТАКДА МУЖАССАМ ОЛАМ




***Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақаси янги чемпионларни кашф этмоқда. Шу боис мазкур турнирда иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сони ҳам йил сайин ортиб боряпти.***

Бу йил Сурхондарёда «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасида ўн етти минг нафар ҳаваскор шахматчининг иштирок этгани ҳам мазкур турнир воҳа ёшлари орасида кенг оммалашиб бораётганини кўрсатади. Ўзбекистон шахмат федерацияси Сурхондарё вилоят бўлимининг берган маълумотига қараганда, айни кунда вилоятда 750 нафар ўғил-қиз мунтазам равишда шахмат билан шуғулланиб келаяпти.

Шахмат ўйини ёшларда курашувчанлик, ғолиблик руҳини тарбиялайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тўполончи, ўйинқароқ болаларни шахматга йўналтириш орқали уларни босиқликка, вазминликка ўргатиш мумкин экан.

Мусобақанинг бу йилги вилоят босқичи ҳар йилгидан қизиқарли ўтди. Сабаби ўзига қатъий ишонган, олдига катта мақсад қўйган 140 нафар ёш шахматчи дона сурди. Аслида, улар мусобақага ғолиблик учун эмас, қобилиятини, маҳоратини синаб кўриш учун келишган.

— Ушбу турнир вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда катта қизиқиш ва кўтаринки руҳда ўтказилди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Сурхондарё вилояти кенгаши бўлим мудири Акбар Холмирзаев. — Унда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ҳаваскор шахматчилар ўзаро куч синашди. Ҳар бир тумандан ўн нафардан ғолиб саралаб олинди.

— «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасига бир неча йилдан буён бош ҳакам бўлиб келаман. Бу йилги мусобақа иштирокчилари ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўп. Ўтган йил мазкур турнирнинг республика босқичида вилоятимиз жамоаси 4-ўринни олган эди. Ёш шахматчимиз Муҳаммадали Абдураҳмонов ўз ёш тоифасида кумуш медалга сазовор бўлганди. Бу йил ҳам республика босқичида юқори ўринни қўлга киритишни мақсад қилганмиз, — дейди Ўзбекистон шахмат федерацияси Сурхондарё вилоят бўлимининг ижрочи директори, шахмат бўйича халқаро спорт устаси Комил Раҳматуллин.

Мусобақани кузата туриб, ёшларнинг ўзига бўлган ишончи ва шижоатини кўриб уларга ҳавасимиз ошди. Шахмат — ақл чархи деб аталиши бежиз эмас. Буни мусобақа қатнашчиларида ҳам кўриш мумкин. Эндигина саккиз ёшни қарши олаётган қизириқлик Муаттар Жўраеванинг сўзларида дадиллик, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бор. Унда шахмат чемпиони бўламан, деган қатъий мақсад ҳам мужассам. Шу боис тенгдошларини ортда қолдириб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Мусобақанинг яна бир ғолиби Муҳаммадали Абдураҳмоновни шахмат ихлосмандлари яхши танийди. Муҳаммадали 2013 йил «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасининг республика босқичида кумуш медални қўлга киритган. Бу йилги турнирда ҳам вилоятдаги тенгқурларини мағлуб этиб, олтин медални олиш учун финала йўл олди.

— Ўтган йилги натижаларим ҳам ёмон эмас эди. Бу йил эса янада юқори ўринларни эгаллаш киритиш ниятидаман. Мусобақаларда қатнашиш давомида иқтидорли шахматчи тенгдошларим билан танишиб, тажриба ҳам орттиряпман. Ҳали ўз устимда кўпроқ ишлашим керак. Бу эса қўлга киритган мақсадимга эришиш учун бош омил бўлиб хизмат қилади. Келгусида халқаро мусобақаларда қатнашиб, Ўзбекистон байроғини баланд ҳилпиратаман, — дейди вилоят босқичи ғолиби Муҳаммадали Абдураҳмонов.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида ёшларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Улар орасида мамлакатимизни жаҳонга танитаётган чемпионлар ҳам кўп. Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада ҳам ана шу эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

*Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari*

# СЕВАРАНИНГ СЕВИНЧИ

***Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



ЎзА сурати

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани бу борада муҳим аҳамият касб этиб, аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан истеъдодини намоён этаётган, адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларида катта ютуқларга эришаётган қизларнинг ибратли фаолиятини рағбатлантириш имконини бераётир.

Ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг ана шу юксак мукофотига сазовор бўлган қизларнинг 14 нафари Тошкент вилоятидан. Бу йил улар сафига Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси Севара Абдулҳакимова ҳам қўшилди. Бугун унинг севинчи чексиз.

Севара болалигидан спортга қизиқди. Буни вақтида пайқаган отаси Одил ака қизини Нуробод қўрғонидаги шотокан каратэ-до клубига олиб борди.

Мазкур спорт тури сир-асрорларини пухта ўрганишга жиддий бел боғлаган Севара тез орада клуб аъзолари орасида ўз ўрнини топди. Қизлар ўртасида ўтказилган ички мусобақада ўз вазн тоифасида дугоналарини мағлубиятга учратиб, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган беллашувларда иштирок этадиган қизлар рўйхатига киритилди.

Эришаётган ютуқларидан руҳланиб, мамлакат чемпионатида ўзини синаб кўришга аҳд қилди. Бу борада унга тажрибали мураббий Баҳодир Бобоев яқиндан ёрдам берди. Унинг кўрсатма ва тавсиялари асосида жиддий шуғулланган Севара 2005 йили Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Шундан кейин кетма-кет муваффақиятларга эришди. Ўнга яқин давлатдан спортчи иштирок этган Ўзбекистон очиқ чемпионатида совриндор бўлди. 2010 йили Кипрда шотокан каратэ-до бўйича ўтган жаҳон кубогида биринчи ўринни эгаллади.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароитлар яратиб берилаётгани туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди Севара.

Инглиз ва рус тилларини ўрганиш, бичиш-тикиш, пазандалик билан шуғулланишга ҳам вақт топадиган бу қиз ўзи таълим олаётган муассасанинг энг фаол, билимдон ўқувчиларидан. Коллеждаги «Ораста қизлар» тўгараги раҳбари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзоси. Билим даргоҳида ташкил этиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этади, бўш вақтида бадиий адабиёт, айниқса шеър мутолаа қилишни яхши кўради.

Севара келажакда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўқишни, етук мутахассис — мураббий бўлишни, билдирилган ишончни оқлашни истайди. У ҳозир ана шу мақсад сари дадил интилмоқда.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ko'zgu*

## БЎШ ЎРИНЛАР ТЎЛАДИ

***Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Кармана туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» бўлиб ўтди.***

Унда тумандаги 55 та корхона, ташкилот ва муассасалар жами 132 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркада иштирок этган ёшларнинг кўпчилиги ўзларига янги иш топди. Жумладан, Кармана туманидаги корхона, ташкилот ва муассасалар касб-ҳунар коллежларининг 2013-2014 ўқув йили битирувчиларининг 67 нафари билан уч томонлама шартнома имзолади.

## ГОЛЛАР СОНИ БЕШТА, ҒОЛИБ ЭСА БИТТА

***Навоий вилоятида «Камолот» кубоги» футбол мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Унда Навоий давлат педагогика институтининг «Ёшлар» ва Навоий давлат кончилик институтининг «Кончилар» жамоалари ўзаро беллашди. Қизиқарли ўтган ўйин «Ёшлар» жамоасининг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунига етди.

Ғолиб жамоа мусобақанинг Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтадиган минтақавий босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Отабек АСЛОНОВ**

*«Kamolot» sadosi*

## СИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ!

***«Камолот» ЁИҲ Самарқад шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги ҳарбий қисмлардан бирида яқиндагина муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч!» мавзуида учрашув ўтказилди.***

Унда Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, олий таълим муассасаларида таълим олаётган фаол талабалар, бир гуруҳ спортчилар ва ёш олимлар иштирок этди.

Учрашувда Ватанга хизмат қилиш энг улуғ ва шарафли иш эканлиги, бу муқаддас бурчни адо этаётган ёшлар бахтли ёшлар эканлиги таъкидланди.

Тадбирда тенгдошларимиз миллий армиямиз сафига янги қабул қилинган аскарлар билан дилдан суҳбатлашдилар.

**Сардор ЙЎЛДОШЕВ,**
**Пахтачи педагогика коллежи ўқувчиси**

## МАЙДОНДА ҚИЗЛАР

***Ҳаракатнинг Қўқон шаҳар кенгаши «Спорт – соғлом келажак гарови» шиори остида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчи қизларидан ташкил топган жамоаларнинг мини футбол мусобақасини ўтказди.***

Қизларни спортга янада кенг жалб этиш, уларнинг соғлом, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб камол топишларига ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган мусобақада Қўқон педагогика коллежи қизларидан иборат жамоа биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тиббиёт коллежи жамоасига насиб этди. Шунингдек, Автотранспорт касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳамда Темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи жамоалари ҳам совриндор бўлишди.

**Р.АШУРОВ**

*Diqqat, tanlov!*

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг касб алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш, ўзлари танлаган касбга ҳурмат ва фахр туйғусини юксалтириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказади.

Йигирмата номинация бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

«Энг фаол ёш тадбиркор» ва «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинациялари бўйича иштирок этиш истагида бўлганлар Савдо-саноат палатаси ва Ҳунарманд уюшмасининг ҳудудий бошқармаларига, «Энг фаол ёш фермер» номинацияси иштирокчилари эса туман Фермерлар кенгашига мурожаат этадилар.

**Танловда иштирок этиш учун қуйидагилар тақдим этилади:**

— маълумотнома, номинация номи;

— мутахассиснинг турар жойи, боғланиш телефонлари тўғрисида маълумот;

— паспорт нусхаси;

— тегишли йўналишдаги фаолиятида эришган ютуқларига оид маълумот ва ҳужжатлар.

**АСОСИЙ МУКОФОТ**

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблари орасидан саралаган мутахассислар, яъни самарадорлиги натижасида мамлакатимиз иқтисоди ривожига муносиб ҳисса қўшилиши кутилаётган янги ишланма ва лойиҳалар муаллифи бўлган ижтимоий-сиёсий фаол уч нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг махсус грантлари билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Савдо-саноат палатасининг совға ва дипломлари билан тақдирланади.

**Танлов тўрт босқичда:**

**I босқич** — 1-15 апрель кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;

**II босқич** — 15-30 апрель кунлари туман (шаҳар) миқёсида;

**III босқич** — 1-31 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

**IV босқич** — май-июнь ойлари мамлакат миқёсида ўтказилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2014 йил сентябрь ойида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика форумида тантанали равишда топширилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг интернет тармоғидаги www.kasaba.uz портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва «Камолот» ЁИҲнинг маркакзий ҳамда ҳудудий кенгашлари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг (+998 71) 256-76-57 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

# ЁШЛАРИМИЗ МОДДИЙ РАҒБАТДАН КЎРА, ЭЪТИБОРНИ КЎПРОҚ ҚАДРЛАЙДИ

**«Turkiston » савол беради» лойиҳасида бу сафар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носиров қатнашди. У интервью чоғида боқимандалик кайфиятидаги айрим ёшларнинг онгини ўзгартириш, қизлар нега эрта турмушга узатилаётгани, ёш тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар, ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўллари, «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатига жалб этилган ёшлар сонининг камайишига нима сабаб бўлгани ҳақида гапириб берди.**




— **Сиз ҳам давлат, ҳам нодавлат ташкилотда иш тажрибасига эгасиз. Вилоят ҳокимлигида ишлагансиз. Ўшанда тўплаган тажрибангиз ҳозирги фаолиятингизда асқотяптими?**

— Давлат ҳокимияти органларида турли масалаларга тегишли қонун ё қарорларнинг ижроси ҳам, назорати ҳам аниқ механизм асосида амалга оширилади. Юртимизда ҳар йили инсон манфаатларига доир Давлат дастури қабул қилинади. Унинг ижросини таъминлаш ва назорат қилишда давлат органлари билан бирга жамоат ташкилотлари, жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам масъул. Мазкур жараённи ҳокимиятдаги фаолиятим давомида амалда кўриб чиниққаним боис, ҳозир ҳеч қийналмайман.

— **Сизнингча, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда жамоат ташкилотларининг ўрни қай даражада билиняпти?**

— Ёшларга оид сиёсатнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари давлат томонидан белгилаб берилса-да, демократик мамлакатда уни рўёбга чиқариш жамоат ташкилотларининг иштирокисиз кечмайди, албатта. Баъзи ўринларда ушбу масалада нодавлат секторга кўпроқ эҳтиёж сезилиши ҳам мумкин. Энди юртимиз тажрибасига келсак. Шу йил 6 февралда Президентимиз «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Президент қарори билан тасдиқланган бу йилги Давлат дастури жами еттита йўналишни ўз ичига қамраб олади. Аҳамиятлиси, унинг ҳар бир бандида нодавлат, нотижорат ташкилотларга алоҳида ўрин ажратилган. Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига. Чунки Ҳаракат ёшларнинг манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи ташкилот ҳисобланади. Юқоридаги дастур эса ёшларни бевосита қўллаб-қувватлаш ҳамда улар билан боғлиқ долзарб ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган. Демак, унинг ижросини, биринчи бўлиб, ўзимиз таъминламоғимиз даркор.

— **Ўтган йили «Камолот» ЁИҲ ҳудудий кенгашлар фаолияти баҳоланганда Бухоро вилояти кенгаши 66,8 балл билан 8-ўринни эгаллади. Нега шундай натижа қайд этилганини изоҳлаб бера оласизми?**

— Ўтган йилги кўрсаткич билан биз ундан аввалги йилга қараганда тўрт поғона пастга тушдик. Бунга сабаб қилиб кенгашдаги матбуот хизмати фаолияти, «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалини ўтказиш ҳамда маънавий-маърифий соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда сусткашликларга йўл қўйилгани кўрсатилган. Албатта, ўрин билан ҳеч қачон баҳслашмаймиз ва камчиликни ўзимиздан қидирамиз. Лекин бу юқоридаги уч йўналишда иш умуман ўз ҳолига ташлаб қўйилганини англатмайди. Айтайлик, матбуот йўналишини олсак, эслатиб қўймоқчиманки, Бухоро вилояти кенгаши республикада биринчи бўлиб ўз веб-сайтини ишга туширган. Бухоро шаҳридаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да ёш журналистлар учун кичик студия ташкил этганмиз. Беш мингдан ортиқ нусхада чоп этилиб, эркин сотувга чиқариладиган «Бухоро ёшлари» газетамиз бор. Вилоят радиоканалида ўз эфиримизга ҳам эгамиз. Асосий камчилик қилган ва қилинаётган ишларни етарли даражада кўрсатиб бера олмаганимизда бўлса керак.

— **«Камолот» тизимида ҳудудий кенгашлар ва уларнинг раислари ўртасида рақобат мавжудми?**

— Мавжуд. Лекин бирбиримиздан ўзиш эмас, янги, ноанъанавий лойиҳалар қилиб, иш сифатини ошириш мақсадида рақобатлашамиз. Шахсан мен учун шуниси муҳим. Ўтган йили вилоят кенгаши ташаббуси билан ўн олтита ноанъанавий лойиҳани амалга оширдик. Январда «Биз Ватанга қоямиз, мустаҳкам ҳимоямиз!» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Унда олти юз нафар иштирокчи қатнашган бўлса, ҳаммаси ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи, носоғлом муҳитдаги оилаларда тарбияланаётган, жиноятчиликка мойил ёки ота-онаси жазони ўташ жойларида бўлган ёшлардир. Февралда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари юзасидан талабалар ўртасида танлов ташкил қилинди. «Универсиада — 2013» спорт мусобақаси олдидан вилоятимизда барпо этилган янги спорт объектларини қуришга «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари жалб этилди. Қурилиш ишларида нафақат бухоролик, Тошкент, Наманган вилояти ва пойтахтдан ҳам ёшлар келиб қатнашди. Шу каби лойиҳалар билан бошқа кенгашлардан ажралиб туришга ҳаракат қиламиз.

— **«Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига доир саволни кейинроққа қолдиргандим. Фурсати келгани учун уни ҳозир берсам. Рақамларга эътибор қаратсак, ўтган йили лойиҳада 1549 нафар йигит-қиз — 840 нафар талаба ва 709 нафар уюшмаган ёш қатнашганди. Ваҳоланки, 2012 йилда уларнинг сони 3218 нафар бўлган. Яъни икки баравардан ҳам кўп. Нега бундай кескин тафовут юз берди?**

— Сабаби иккита. Биринчидан, ўтган мавсумда биз туман кенгашлари берган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширдик. Иккинчидан, лойиҳа учун қатъий ва аниқ мезонлар белгиладик. Қачон йигит ё қиз «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида қатнашган ҳисобланади? Қачонки, у билан меҳнат шартномаси тузилса, ойлик маоши тўланса, махсус кийим билан таъминланса ва ҳоказо. 2012 йилда бу жиҳатларга унчалик эътибор қаратилмаганди. Айтайлик, бирор қурилиш объектида эллик киши ишлаган бўлса, ҳаммаси «Бунёдкор»чи деб кетилган.

— **Бухоро ёшлари дуч келаётган асосий муаммолар нималардан иборат?** *(Жиззах давлат педагогика институти талабаси Нафосат Турсунбоева)*

— Бухоролик ёшларнинг қандайдир алоҳида муаммолари бор, деб айтолмайман. Мамлакатимиз ёшлари орасида учрайдиган муаммолар уларга ҳам хос. Ҳозир касб-ҳунар коллежларидаги давомат, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, эрта никоҳ масалалари анча долзарб бўлиб турибди. Ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш масаласида ҳам муаммолар бор. Яқинда шу хусусда вилоят ҳокимлигига таклиф киритдик. Коллеж битирувчиси тадбиркорлик билан шуғулланиши учун банкдан кредит олиш имкониятига эга. Лекин бундан аввал у тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши керак. Муаммо шундаки, рўйхатдан ўтган кунданоқ, у солиқ тўлашга мажбур, гарчанд ҳали фаолиятини бошламаган бўлса-да. Кредит олиш жараёни икки-уч ойга ҳам чўзилиши мумкин. Унгача солиқ миқдори бир миллион сўмга етиб қолади. Шундай фараз қилинг, фарзандингиз тадбиркор бўламан, оилангиз кам-кўстига ярайман, деса-ю, даромад келтириш ўрнига эртасига солиқларни тўлаш учун сиздан яна пул сўраб турса. Шунинг учун ҳокимиятга коллеж битирувчиларига тадбиркор сифатида рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб икки ой муддатда ё солиқ имтиёзини бериш ёки рўйхатдан ўтмасдан туриб кредит олишга рухсат бериш ҳақида таклиф билдирдик. Ҳозир бу масала ҳукумат даражасида кўриб чиқиляпти.

— **Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги махсус қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да 2014 йилдан бошлаб ҳар бир ҳудудда «Камолот» уйларини барпо этиш ҳақида алоҳида банд мавжуд. Бундай уйларни Бухоро вилоятининг қайси туманларида қуриш режалаштирилмоқда?**

— Шу кунгача вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар ҳокимликларининг «Камолот» уйларини қуриш учун ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. Бу бўйича вилоят ҳокимининг махсус фармойиши ҳам чиққан. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Ҳозир биз ёшларнинг тураржойга бўлган эҳтиёжини ўрганиб, маълумотларни тўплаяпмиз.

— **Уюшмаган ёшлар билан ишлашда нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?** *(Андижон машинасозлик институти талабаси Сардорбек Қобилов)*

— Коллежни тамомлаган, ҳеч жойда ишламайдиган ёшлар уюшмаган ёшлар сафига киради. Мен уларни икки тоифага ажратган бўлардим. Уюшмаган ёшлар ичида иш излаб, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган, аниқ мақсадга эга ёшлар бор. Улар биринчи тоифага киради. Иккинчи тоифа бу боқиманда кайфиятдаги ёшлардир. Фалон шароит бўлса, мана шунча ойлик беришса, ишлайман, йўқса фалон мамлакатга бориб иш излайман, дейдиганлар ҳам орамизда, афсуски, учрамоқда. Лекин ҳар иккала тоифа билан ишлаш зарур. Уларнинг ўзига яраша муаммолари бор. Биринчи тоифани тўғри йўналтириш, иккинчисининг онгини ўзгартиришимиз керак.

Уюшмаган ёшларнинг қизиқишини аниқлаш жуда муҳим. Тўғри, уларни бирлаштириш осон эмас, лекин шунга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган йили «Камолот» бекати» деб номланган тарғибот акциясини ташкил қилгандик. Турли соҳаларда ютуқларга эришган вилоят ёшлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида маҳаллаларда учрашувлар бўлиб ўтганди. Акцияда 120 нафар ёш қатнашган бўлса, шулардан ўн тўрттаси уюшмаган ёш эди. Оз-оздан бўлса ҳам, уларни ўз сафимизга қўша олаётганимиздан хурсандман.

— **«Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларида вилоятдаги уюшмаган ёшларнинг иштироки ҳам таъминланяптими?** *(«Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходими А.Алланиязов)*

— Ҳозирча, бу танловларда уюшмаган ёшлар қатнашмаган. Ўйлайманки, жорий йилда биз уларни ҳам жалб этамиз.

— **Уюшмаган ёшлар ўртасида туманлараро футбол мусобоқасини вилоят миқёсида ҳар йили бир маротаба ва доимий равишда ташкил этиш мумкинми?** *(Бухородан келган савол)*

— Икки йилдан буён Ҳаракатнинг Шофиркон тумани кенгаши шундай мусобақани ўтказиб келяпти. Энди улар лойиҳани вилоят миқёсида ҳам амалга оширишни таклиф қилишди. Май ойига мўлжаллаяпмиз.

— **Вилоят марказидан олис ҳудудлардаги ёшлар билан қандай лойиҳалар асосида иш олиб борилмоқда?** *(Андижон вилоятидан талаба Шоҳрух Абдусаматов)*

— Наврўз байрами арафасида Газли шаҳри, Олот ва Қоракўлда юртимиздаги таниқли шоир ва санъаткорларнинг ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди. Байрамга бағишлаб ўтказилган тантаналарда олис туманлардаги 150 нафарга яқин ёшларнинг иштироки таъминланди. Яқинда Олот тумани ҳокимининг қарори билан шу ердаги эски музей биноси Ҳаракатнинг туман кенгаши балансига ўтказиб берилди. Марказий Кенгаш ушбу бинони таъмирлашга ёрдам беряпти. Насиб бўлса, у Мустақиллик байрами арафасида «Ёшлар маркази» сифатида фойдаланишга топширилади.

— **Бошланғич ташкилотнинг қандай фаолият юритиши кўп жиҳатдан етакчига боғлиқ. Афсуски, ҳозир Ҳаракат тизимидаги етакчиларнинг барчасини ҳам етарли салоҳиятга эга деёлмаймиз. Бу муаммо қисман бўлса-да, моддий рағбат масаласига бориб тақалади. Айтайлик, мактабдаги етакчига директор жамғармаси ҳисобидан устама бериш-бермасликни мактаб маъмурияти ҳал қилади. Касб-ҳунар коллежларида ҳам шундай. Бу борада нима дея оласиз?**

— «Камолот» тизимида олти йил ишлаётган бўлсам, шахсий кузатувларим шуни кўрсатдики, моддий рағбат етакчининг фаолиятини нари борса, беш фоизгача ўзгартириши мумкин, холос. Мен ташкилот ёки муассаса раҳбарининг бошланғич ташкилотга бўлган эътиборини биринчи ўринга қўйган бўлардим. Бухоро муҳандислик-техника институтидаги «Камолот» ЁИҲ БТ етакчиси Нодир Солиҳовни мисол келтирай. Бу йигит икки йил етакчи сифатида фаолият кўрсатди. Институт ректорининг бошланғич ташкилотга эътибори юқори. Бирорта ҳам тадбир етакчининг иштирокисиз ўтмайди. Ҳозир институтдаги ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талаба бошланғич ташкилотга ҳурмат билан қарайди. Натижада, Нодир Солиҳов ўтган йили икки маротаба — Республика етакчилар форуми ҳамда Хоразмда ўтказилган «Талабалар баҳори» фестивалида «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» номинациясида ғолиб бўлди. Бу йил эса у Ҳаракатнинг Бухоро шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди. Асосий гап эътиборда. Чунки ёшлар моддий рағбатдан кўра, эътиборни кўпроқ қадрлайди. Худди шу тамойилга таяниб ишлайдиган касб-ҳунар коллежлари ва мактаблардаги етакчиларимиз ҳам бор. Масалан, Ғиждувон педагогика коллежи етакчиси Ёқубжон Сапоевни олайлик. У ҳам ёш ўқитувчи. У ҳам дарс беради, иши кўп. Шунга қарамай, тумандаги барча етакчиларга намуна бўляпти-ку. Яқинда шу коллежда семинар ташкил қилиб, ундаги бошланғич ташкилот фаолияти билан бошқа таълим муассасалари етакчилари ҳамда директорларини таништирмоқчимиз. Ғиждувон туманидаги 45-мактабнинг бошланғич ташкилоти етакчиси ҳам анча фаол. Ўтган йили у Республика етакчилар форумида иккинчи ўринни қўлга киритганди.

— **Бошланғич ташкилотлар етакчилари кўнимсизлигининг сабаби нима деб ўйлайсиз?** *(«Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходими У.Хожамуротов)*

— Ҳақиқатан ҳам бу жиддий муаммо эди, то иккита қўшма қарор қабул қилинмагунча. Улар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида имзоланди. Хусусан, энди мактабларда бошланғич ташкилот етакчиси сифатида фақат ўттиз ёшгача бўлган ўқитувчилар сайланади ва улар автоматик тарзда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига заҳира қилиб киритилади. Бундай имконият етакчи учун қўшимча маънавий рағбат бўлиб, фаолиятини яхшилашга туртки беради. Иш тажрибам давомида маънавий, баъзан эса моддий жиҳатдан рағбатлантирилмагани туфайли ҳам тизимни ташлаб кетган етакчиларни кўрганман.

— **Бу йил Бухоро вилоятидаги бошланғич ташкилотлар моддий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватланадими?**

— Албатта. Бу ишни ҳар йили тизимли равишда олиб боряпмиз. Ўтган йили ҳар бир туманда тўрттадан бошланғич ташкилотни намунавий ҳолатга келтиришни олдимизга вазифа қилиб қўйгандик. Бунга бошланғич ташкилотлар моддий-техник таъминотини яхшилаш ҳам киради. Мазкур тажриба жорий йилда ҳам давом эттирилади.

— **Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида яна бир карра ёшларга мурожаат этиб: «сиз, ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб voяга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради» дедилар. Ана шундай ишончни бухоролик ёшлар қандай қабул қилишди?**

— Муҳтарам Юртбошимиз қайси мавзуда маъруза қилмасин, ёшларга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар сафар бундай муносабатдан ғурурланиб кетаман. Биласиз, Бухоро вилоятидан кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқяпти. Қоракўллик ўқувчиларнинг математика, кимё фанларидан халқаро фан олимпиадаларида ёки спортчиларимизнинг жаҳон ва халқаро спорт мусобақалари, Олимпия ўйинларида эришаётган юқори натижалари ҳақида билмаган киши йўқ. Бу ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Ортимизда бизга қалқон бўлиб турган Президентимиз борлиги катта бахт. Бу мустаҳкам қалқон ёшларга куч бағишлайди.

— **Унутилиб бораётган миллий халқ ўйинлари ва қадриятларни тиклашга қаратилган лойиҳаларда янгиликлар киритиш борасида қандай таклиф ё тавсиялар бера оласиз?** *(Ҳаракатнинг Чортоқ тумани кенгаши раиси Фарҳод Мадраҳимов)*

— Наврўз арафасида Бухоро шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида Миллий ўйинлар фестивали ўтказилди. Ҳар йили ушбу фестивалда кўплаб миллий ўйинлар намойиш этилса-да, ёшлар фақат томошабин бўлиб қолишарди. Бу сафар уларга шу ўйинларда бевосита иштирок этиш имкониятини яратдик. Бир чеккада кўриб ўтириш билан бунинг фарқи катта. Назаримда, миллий ўйинларни тиклашда ана шу ёндашувга таянсак, самара юқорироқ бўлади.

— **Бугунги кунда қизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатлари жамиятимизнинг оғриқли нуқтаси бўлиб турибди. Бу муаммо билан Бухоро вилоятида қандай курашиляпти?** *(Бухородан келган савол)*

— Жуда долзарб масала. Февраль ойида вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни» мавзуида кўрсатув тайёрладик. Унда турли соҳа мутахассислари фикр-мулоҳаза юритишди. Эрта турмушга узатилган қиз на психологик, на физиологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр. У бир жойда тузук ўқимай, на ҳунар ёки касб эгаллаган бўлса, қанақасига оила бекаси бўлади? Ва ниҳоят, ўзи бола бўлатуриб, қандай қилиб фарзанд тарбиялайди? Кўряпсизми, бир муаммо кетидан қанча муаммолар келиб чиқяпти. Эрта турмушнинг жабрини, аввало, қизнинг ўзи тортади. Оқибатларининг олдини олиш билан эса ким шуғулланяпти? Давлат, нодавлат ташкилотлар, маҳалла, «Камолот», Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳоказо. Қани ота-она?! Мен шундай ота-оналар билан гаплашганман. Нима эмиш, момоси, бошқа-бошқа қариндошлар қизимнинг бахтини кўришсин. Ие, қизнинг бахти бир кунлик тўйдами?! Оиладаги бахтини ким ўйлайди? Соғлом фарзандни дунёга келтириш, уни тарбиялаш, қайнота-қайнонани ҳурмат қилиш, оилада ўз ўрнини топиш — мана шулар бахт. Ана сизга ота-онанинг дунёқараши. Эрта никоҳ билан курашишда ота-оналарнинг маънавиятини ошириш биринчи масала. Яна бир «Камолот»чимиз яхши таклифни берган. Эрта турмуш қуриш борасида нуқул қизлар билан ишлаймиз, йигитлар эса бир чеккада. Орияти бор йигит ота-онасига «мен 15 яшар қизга уйланмайман» дея олиши керак. Ана шундай умумий саъй-ҳаракат билан муаммо ўз ечимини топади, албатта.

— **Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун кенгаш томонидан қандай шароитлар яратилган?** *(«Камолот» ЁИҲ Гулистон шаҳар кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Ибодуллаев)*

— Ўтган йилдан янги лойиҳани бошладик. Илк маротаба вилоятимиздаги инновацион лойиҳалар яратган ёшларни йиғиб ҳоким билан учрашуви ҳамда ишларининг кўргазмаси ташкил қилинди. Натижада, иккита банк ёшларнинг архитектура йўналишидаги бир қанча лойиҳаларини сотиб олди. Бошқа ихтирочи масофадан электр энергиясини узатувчи қурилма яратган. Бу ҳақда интернет орқали хабар топган уяли алоқа воситалари ҳамда планшетлар ишлаб чиқарувчи нуфузли хорижий компаниялар янгилик билан росмана қизиқиб қолишди. Иқтидор салгина рағбатлантирилса, янада ривожланади. Рағбат бу, аввало, сизга қаратилган эътибордир. Иқтидорли спортчилар билан ҳам алоҳида ишлаймиз. Халқаро мусобақаларда қатнашиб, ўрин ололмаган ёш спортчиларимизни рағбатлантиришни унутмаймиз.

— **Бухоронинг туристик салоҳияти катта. Бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудда туризмни янада ривожлантириш бўйича «Камолот»чилар олдидаги вазифалар нималардан иборат?** *(Жиззах туманидаги «Қулама» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Бобур Садриддинов)*

— Бу йўналишда ишлаётган ёшларимиз бор. Жўрабек Жўраев исмли талаба 2013 йили «Юрт келажаги» кўрик-танловининг вилоят босқичида туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳасини тақдим этганди. Ички туризмни ривожлантириш бўйича туманларда иш олиб боriляпти. Масалан, Ҳаракатнинг Ғиждувон ва Вобкент туманлари кенгашлари бир неча йилдан буён ўз ҳудудларидаги кам таъминланган оила фарзандлари ва профилактик ҳисобда турувчи ёшларнинг Самарқанд вилоятига саёҳатини ташкил этиб келишмоқда. Мен Бобур Садриддиновнинг саволини таклиф сифатида қабул қилиб, яна янги лойиҳалар устида ўйлаб кўришга ваъда бераман.

— **2011 йил «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасининг республика босқичи Бухоро вилоятида ўтказилганида сиз мусобақадан кейин кенгаш қошида шахмат клубини ташкил қиламан ва шу орқали мамлакат терма жамоаси учун вилоят ёшларидан истеъдодли шахматчиларни тарбиялаб берамиз, дегандингиз. Ҳозирги кунда айтганларингизни қай даражада бажардингиз?** *(«Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгашидан келган савол)*

— Шу савол учун муаллифга алоҳида миннатдорлигимни билдираман. Фаолиятимизга бефарқ эмас экан. Вилоят кенгаши қошида ҳозир Шахмат клуби фаолият кўрсатяпти. Уни вилоят бўйича моддий-техник базаси энг кучли шахмат клуби, десам адашмайман. Вилоятда ўттиз дона Фишер соати бўлса, ҳаммаси шу клубнинг ихтиёрида. Жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш учун айнан Фишер соатида ўйнаб ютиш талаб қилинади. Шахмат клубига малакали мутахассислар жалб қилинган. Мамлакат терма жамоаси учун истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш масаласига келсак, вилоят кенгаши аъзоларининг хулосаси асосида бу борада позициямизни ўзгартирдик. Яъни клубимиз кўпроқ самара учун ишлаши керак. Натижани шахмат мактаблари берсин, клубнинг асосий вазифаси эса ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришдан иборат.

— **Ҳаракатнинг Олот тумани кенгаши қошида инглиз тили ўқув курсларини ташкил этишнинг иложи борми?** *(Олот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мансур Хўжақулов)*

— Бор, албатта. Юқорида мен Олот туманида «Ёшлар маркази» қурилаётганини айтдим. Унда инглиз тили, компьютер саводхонлиги тўгараклари ҳамда 3D кинотеатрини очиш кўзда тутилган.

— **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб қандай янги, муқаддам амалга оширилмаган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган?** *(«Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилояти кенгаши ташкилий кадрлар, ахборот-таҳлил ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири Давлат Маҳмудов)*

— Бу саволга жавобим тайёр-ку, лекин янги лойиҳаларимиз ҳозирча сир бўлиб қолишини хоҳлардим. Уларни апрель ойидан бошлаймиз. Шунда ҳаммасини ўзингиз кўрасиз.

* * *

Анъанага мувофиқ, суҳбат якунида лойиҳа меҳмони энг яхши саволни аниқлади. Бу Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгаши томонидан йўлланган шахмат клубини ташкил этиш тўғрисидаги савол бўлди. Жамол Носиров савол муаллифига эсдалик совғасини тақдим этди.

## Блиц-саволлар:

**Қайси ҳолларда ёлғон гапирасиз?**
— Мен ишлаётган ташкилотга фойдаси тегиб, лекин бошқаларга зиёни тегмайдиган ҳолларда.
**Нимадан кўпроқ афсусланасиз?**
— Бекор ўтган вақтимдан.
**Устун жиҳатингиз нимада?**
— Ўзимга кўринмайди.
**Ёқтирган адибларингиздан учтасининг номини айтинг?**
— Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Дейл Карнеги.
**Севимли композиторингиз ким?**
— Мутаваккил Бурҳонов.
**Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?**
— Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаганман.
**Қайси эзгу иш ёки хислатни кўпроқ қадрлайсиз?**
— Кечиримлиликни.
**Қайси камчиликни осон кечирасиз?**
— Билмай қилиб қўйилган хатони.
**Нимани ҳеч қачон кечира олмайсиз?**
— Ватанфурушлик ва хиёнатни.
**Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмай қолган савол борми?**
— Ёшлар ҳаётида интернетнинг ўрни тўғрисида савол бўлишини кутгандим.

**Наргиза УМАРОВА,**
**«Turkiston» мухбири.**
Рустам Назарматов
олган сурат.

*Yoshlarga maktub*

# СИЗ КАТТА ЙЎЛДАСИЗ

***Улуғлар ҳақида сўз очишнинг ўзи кишидан чуқур билим ва мушоҳада, покиза қалб ва юксак маънавиятли бўлишни талаб этади. Унинг масъулиятини зиммасига олиш — мўътабар зотларга муносиб бўлиш дегани. Бугунги кун фарзандлари, истиқлол даврида камол топаётган сиз, азиз ёшлар, қайси улуғ аждодимиз номини тилга олманг, улардан мерос улкан маънавий бойликлардан фойдаланманг, кўнглингизда ана шу зотларга бўлган чексиз меҳрдан ташқари, улардек инсон бўлишдай улуғ ният ва мақсадингиз ҳам борлигига шубҳа қилмайман.***

Яқиндагина Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ Салтанат» китобини ўқиб чиқдим-у, хаёлимдан ана шу каби фикрлар ўтди. Ва, очиғини айтаман, сизга жуда-жуда ҳавасим келди! Сиз бугун тарихимизни пухта ўрганишингиз, улуғ аждодларимиз тўғрисидаги бадиий ва тарихий асарларни ўқиб, билим ва тафаккурингизни кенгайтиришингиз мумкин. Бу, азиз ёшлар, жудаям катта бахт.

Бугун сизга билинмайди, эшитсангиз, ажаблансиз: бир пайтлар биз, авлодларга ўз юртимиз тарихи ва азиз боболаримиз маънавий мероси деярли ўқитилмас, бу борадаги «билимларимиз» фақат камсонли олим кишилар оғзидан эшитган баъзи маълумотлар билангина чекланган эди.

Бугун «Улуғ салтанат» сингари тарихий-бадиий асарларни мутолаа қилиш билан ўтмиш ҳақидаги билимларимизни бойитиш, хулосалар чиқариш имконига эгамиз. Сиз ҳам Амир Темур ва у зотнинг ўғиллари ҳақидаги ушбу китобни ўқисангиз, Соҳибқирон шахси, даҳосига оид кўплаб маълумотлар оласиз.

Тарихий-биографик жанрда ёзилган «Улуғ Салтанат» китоби тўрт асардан иборат. Улар Амир Темурнинг тўрт ўғли номи билан аталган: «Жаҳонгир Мирзо», «Умаршайх Мирзо», «Мироншоҳ Мирзо», «Шоҳруҳ Мирзо» романларидир.

Асар марказида минг бир тухмат тошлари отилса-да, бус-бутунлигини, салоҳиятини, қоядек мағрурлигини йўқотмаган Амир Темур тимсоли бўлиб, унинг тўрт ўғлига дахлдор воқеа ва ҳодисалар жараёнида сувратию сийрати намоён бўла боради. Асарларни ўқиркансиз, шундай саволларга жавоб топасиз: «Амир Темур қандай шахс бўлган?», «Қайси жиҳатлари ва ҳарбий тактикалари билан буюк саркарда мақомига эришган?», «Бутун дунёни титратган буюк саркарданинг аскарлари қай тариқа шундай маҳобат ва салобат касб этди?», «Унинг қудрати фақат қиличида, енгилмас қўшинида эдими ёки юксак маънавиятида?».

Умуман, ушбу асар сизга қайси касбни танламанг, қай соҳада меҳнат қилманг, фаолиятингизда, турмушингизда, ҳаётингизда кўмакчи бўлади. Соҳибқирон бобомизнинг ҳаётий тамойиллари, тутумлари сизга сабоқ ва маънавий қувват бағишлайди.

Менинг ўзим ушбу романларни ўқиб чиққач, шундай хулосага келдим. Буюк саркарда, бутун жаҳонни лол қолдирган бу зот қайси ишда бўлмасин, хоҳ у сиёсат, хоҳ у жангу жадал, хоҳ оддий кундалик юмуш бўлсин, ҳамиша адолатни, маънавиятни асосий мезон қилиб олган ва шунинг асосида қарор қабул қилган. Сиёсатда, давлат ишларида қанчалик тадбирли, маҳоратли, истеъдодли бўлса, хонадонида ҳам шундай ўрнак кўрсатган одил оила бошлиғи бўлган. Ушбу асарларни мутолаа қилиш мобайнида Амир Темур ҳазратларининг давлат бошлиғи сифатидаги бетакрор қобилияти билан бирга оддий кундалик ҳаётдаги юксак фазилатли инсон — меҳрибон ота, самимий ёр, ғамхўр бобо, умуман олганда, яхши инсон сифатидаги хислатларини ўз кўзингиз билан кўргандек бўласиз.

Муҳаммад Али буларнинг барчасини юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди.

Дарвоқе, Амир Темур ҳақидаги бошқа тарихий манбалардан ҳам сизга маълум: у киши қадамлари етган ерларда ҳамиша ободончиликка, эл фаровонлигига хизмат қилувчи ишларни амалга оширган. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган шундай ишларни ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз ва энди ўзингиз хулоса чиқаринг: улуғ аждодларга муносиб бўлмоқ учун нима қилиш керак экан? Ўйлайманки, бу борада сиз ўз фикрингизга, чиройли мулоҳазаларингизга эгасиз.

Унутмангки, яхши авлод ҳамиша яхши аждодлари йўлидан боради.

**Омина ТОЖИБОЕВА,**
**ёзувчи**

*Fan olimpiadalari*

***Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарорига асосан, мана бир неча йилдан буён фан олимпиадалари ўтказиб келинмоқда.***

# БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚАР

Мазкур беллашув истеъдодларни камол топтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган жуда кўп хайрли ишларнинг давомидир.

Халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактабларида ўтказиб келинаётган «Билимлар беллашуви»да эса минглаб ўғил-қизлар билими синалмоқда. Жорий йилда илк бор 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган фан олимпиадасининг 3-босқичига пойтахтимиздаги 290 та умумтаълим мактабидан 2-босқичда 1-3-ўринларни эгаллаган беш юз нафар битирувчи синф ўқувчиси қатнашди. Олимпиаданинг дастлабки тури мактабларда ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиб, унда 36852 нафар ўқувчи қатнашди. Иккинчи тури эса қишки таътил вақтида пойтахтимиз туманларидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилди. Сўнгги чорак арафасида бошланган фан олимпиадасида ўқувчилар ўн еттита фан бўйича беллашди.

— Олимпиадани ташкил этишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди шаҳар Халқ таълими бошқармаси Методика марказининг она тили ва адабиёт фани услубчиси, ташкилий қўмита аъзоси Гулчеҳра Маманбоева. — Энг аввало, беллашувлар адолатли ўтиши учун барча чоралар кўрилди. Ўқувчилар олимпиада ўтказиш тўғрисидаги барча меъёрий ҳужжатлар, тартиб-қоидалар билан таништирилди. Замонавий мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган мактаб танлаб олинди. Аудиторияларга кузатувчилар тайинланди. Малакали, тажрибали ҳайъат аъзолари ўқувчилар билимини баҳолаб боришди.

Миробод туманидаги 60-мактаб ўқувчиси Баҳодир Қосимов шаҳар босқичида ҳам муваффақиятли қатнашди.

— Немис тилига ихтисослаштирилган мактабда ўқиб, шу тилни пухта ўзлаштираяпман. Рус ва инглиз тилларини ҳам ўрганаяпман, — дейди Баҳодир.

Олимпиада юксак савияда ташкил этилиб, иқтидорлилар орасидан 1-5 ўринларни эгаллаган энг иқтидорли саксон беш нафар ўқувчи саралаб олинди. Голиблар имтиёзли равишда ўзлари танлаган ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кириш имконига эга бўлишди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

*Kasb-hunar kollejlarida*

# ОБОДЛИК ҲАММА ЖОЙГА ЯРАШАДИ

***Яхши анъанамиз бор: баҳор келиши билан нафақат маҳаллаларда, балки барча таълим муассасаларида, жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилади. Сирдарё вилояти Сайхунобод саноат касб-ҳунар коллежида ҳам шундай.***

Коллеж ҳудудига қадам қўяр экансиз, ўзингизни худди хиёбонга кириб қолгандек тасаввур қиласиз. Мазкур ўқув маскани ҳудудининг 3,2 гектар майдонида катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётир, боғлар барпо қилинмоқда. Ҳозирга қадар уч юз тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Икки юз минг донадан ортиқ терак қаламчалари ҳам етиштирилмоқда.

— Жамоамизда қўли гул, ободликка интилган инсонлар меҳнат қилади, — дейди коллеж раҳбари Комил Раҳмонов. — Ҳудудимизда гулхона ва иссиқхона ташкил қилганмиз. Гулхонамизда ҳозиргача икки минг туп атиргул ўтказилди. Мавжуд иссиқхонага эса турли анвойи гуллар, кўкат ва сабзавотлар уруғи сепиб қўйилган. Ҳудудимиз ободонлаштириш бўйича ўзига хос тажриба майдонига айланиб бормоқда.

Дарвоқе, яқин кунлар ичида коллежда ободончилик, боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича вилоят семинарини ўтказиш кўзда тутилган.

Албатта, ана шундай эзгу амаллар билан яшаётган жамоада ўқув-тарбиявий ишлар ҳам кўтаринки руҳда олиб борилади. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё қилинган. 540 ўринга мўлжалланган ўқув биносида ўқувчиларнинг бир маромда таҳсил олишлари учун қулайликлар мавжуд. Яъни Корея Республикаси лойиҳаси бўйича зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Учта компьютер синфи, тўртта лингафон хонаси мавжуд. Ишлаб чиқариш таълимини узлуксиз олиб бориш учун иккита тикув цехи жиҳозлаб қўйилган ва айни пайтда эллик ўринли ётоқхона ўқувчилар хизматида.

Коллежда транспортда ташиш ва уни ташкил этиш, радиотехника аппаратураларини таъмирлаш, тикувчилик ишлаб чиқариши, бухгалтерия ва аудит, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш, нефт ва газ сингари олтита йўналиш бўйича 672 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Айни пайтда уларга қирқ нафар педагог ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси сабоқ беради. Албатта, бу борада мавжуд ишлаб чиқариш устахоналари ҳамда автодромдан унумли фойдаланилмоқда.

Ўтган ўқув йилида коллежни 197 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг 174 нафари иш билан таъминланди. 42 нафар битирувчи «Ипотекабанк» ва «Микрокредитбанк» кредитларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаяпти. Бу йил эса коллежни 217 ўқувчи тамомлаш арафасида. Битирувчиларнинг саксон нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Коллеж билан тумандаги ўн еттита умумтаълим мактаби ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

**Ашурали БОЙМУРОД,**
**«Turkiston» мухбири**

*2014-yil — Sogʻlom bola yili*

# ОИЛА ҚУВОНЧИ

***Ҳар бир ота-она фарзандининг келажакда соғлом, бақувват бўлиб ўсишини истайди. Соғлом боланинг келажаги ҳам бахтлидир. Болалари соғлом ота-она ишда ҳам, уйда ҳам хотиржам бўлади.***

Бугун юртимизда болалар соғлигига катта эътибор қаратиляпти. Айниқса, она ва бола саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида асосий мезонга айланиб бормоқда.

Болаларимизни тўрт мучаси соғ бўлиб камолга етишлари давлатимиз, жамиятимизнинг диққат марказида турганлигидан барчамиз мамнуним.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Қушбеги гузарида ҳам соғлиқни сақлаш, ўқув муассасалари, маънавият ва маърифат марказининг туман бўлими ходимлари иштирокида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги тадбирлар, давра суҳбатлари тез-тез ташкил этилади. «Соғлом бола — оила қувончи» мавзуидаги бу галги тадбирда ҳам кўнгилдаги гаплар муҳокама қилинди.

Қувонарлиси, юртимизда бу эътибор ва ғамхўрликдан миллионлаб оналар қалби қувончга тўлади. Меҳнатида унум, фарзандининг порлоқ келажагига ишонч бўлади.

**Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,**
**Яккасарой туманидаги 2-ДНИ катта нотариуси**

Ilgʻor maktablar

# НИҲОЛЛАР УНАЁТГАН БОҒ

*Қайсики раҳбар изланувчан, ташаббускор ва тадбиркор бўлса, албатта у ерда ютуқлар кўпаяди, яхши тажриба қанот ёяди. Фикримизнинг исботини Наманган вилояти Поп туманидаги 16-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати мисолида ҳам кўриш мумкин.*



204 ўқувчини ўзида жамлаган мазкур мактаб-интернат математика, она тили, тарих ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган. Ўқувчиларга 24 нафар изланувчан, жонкуяр ўқитувчи таълим беради. Мактабда йигирмата фан хонаси, учта ўқув лаборатория хонаси, иккита кластер синфи, ахборот ресурс маркази, волейбол ва баскетбол майдони, икки юз ўринли ошхона, фаоллар зали, мониторинг, маънавият ва маърифат, тиббиёт хонаси мавжуд.

Мазкур мактаб-интернат 2009 йилда барча ўқув-лаборатория жиҳозлари, мебеллар билан таъминланган. Осиё Тараққиёт банки гранти асосида иккита компьютер синфи, АРМ хонаси тўлиқ жиҳозланган. Замонавий ўқув ва бадиий адабиётлар билан бойитилган. Яратилаётган қулай шароитлар туфайли ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил этиш, ўқувчиларга берилаётган билим сифати ва самарадорлигини оширишга эришиляпти. Мактаб ўқувчилари уч йилдан бери ўтказиб келинаётган «Билимлар беллашув»ининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этяпти. Жорий ўқув йилида ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг вилоят босқичида олти нафар ўқувчи фахрли ўринни эгаллаб, уч нафари республика босқичида ҳам юқори ўринни қўлга киритди.

Шубҳасиз, бу ютуқларга устозларнинг машаққатли меҳнати эвазига эришиляпти.

Мактаб-интернат ўқувчию ўқитувчиларини ҳеч иккиланмай, ҳақиқий боғсеварлар десак, хато бўлмайди. Уларнинг ташаббуси билан мактаб атрофи манзарали дарахтлар билан ўралиб, «Устозлар боғи», «Ёшлар боғи», «Битирувчилар боғи», «Умид боғи» яратилган. Ушбу боғларга синф жамоалари ва ходимлардан иборат масъул кишилар бириктирилган. У ерга 4485 туп дарахт экилган, меҳр билан парвариш қилиняпти. Мактаб-интернатни янада ободонлаштириш мақсадида боғдорчиликдан ташқари гулчиликка ва кўкаламзорлаштиришга ҳам эътибор катта. Мингга яқин атиргул, йигирма туп пальма, йигирма беш туп сирень, йигирма туп жўка, 134 туп шамшод, беш минг тупдан зиёд петуния, катаранпус, вербия, чиннигул, хиризантема, геран, салвия каби ранг-баранг гуллар мактаб-интернат ҳудудига ўзгача файз бериб турибди. Бу ерга ташриф буюрган киши мактабни сиҳатгоҳга ўхшатади. Ўтган беш йил ичида мактаб боғида етиштирилган ҳосил ва экинлардан яхшигина даромад олинди. Олинган даромад ҳисобидан мактабда «Ғурумсарой» этнографик музейи қурилади, АРМ ва кластер синфи таъмирланади.

— Таълим-тарбия самадорлигини оширишда бюджетдан ташқари топилган маблағлардан ўринли фойдаланиш лозим, — дейди мактаб директори Ҳалима Дадабоева. — Маблағларнинг асосий қисми фаол ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланади. Масалан, билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этган ўқувчи ва ўқитувчилар мукофотлар билан рағбатлантирилади. Мактаб боғидан, томорқасидан унумли фойдаланилса, натижа шунга яраша бўлади. Мактабимизга хоҳлаган фаслда келинг, бир хил манзарани кўрасиз. Ободончилик, кўркамлик, саришталикдан кўзингиз қувнайди. Бу ютуқлар замирида, аввало, ўқувчию ўқитувчиларнинг меҳнати, гўзалликка бўлган иштиёқи ётади. Боғ, томорқа синфларга ажратиб берилган. Қайсидир мева ёки экин бўлса, ҳосилни йиғиштириб олгунча масъул ҳисобланади. Даромад эвазига мактаб инфратузилмасини яхшилашга эришдик. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг қўллаб-қувватлашга, турли кўрик-танловларда ғолиб бўлган ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳам йўналтирилмоқда. Фаол ўқувчи ва ўқитувчилар учун тарихий жойларга саёҳат уюштирилади. Бу эса, табиийки, уларни янада руҳлантириб, яхши натижаларга эришишга ундайди.

Таълим даргоҳида бу каби эзгу ишлар Соғлом бола йилида ҳам давом этмоқда.

**Турғунбек МАҲКАМОВ**

Ilhom

# ИШОНГАН ТОҒИМДИР БУНЁДКОР ХАЛҚИМ



**ВАТАН**

Бахтим борки, шу заминда туғилдим,
Эркалаб ўстирди онам алласи.
Ақлим таниб эркнинг нелигин билдим,
Шукр, келди ҳурлик сарин палласи.

Нақадар оромбахш оппоқ тонглари,
Булбул навосига қулоқ тутаман.
Бошқа гўзалликлар туришсин нари,
Фақат ўз юртимда тонгни кутаман.

Тоза ҳавосидан оламан нафас,
Зилол булоғидан қониб ичаман.
Ўзга диёрларни қилмасман ҳавас,
Шу булоқ сувидан қандай кечаман?

Кўзни қамаштирар товус қизлари,
Ширин сўзларига Фарҳодлар фидо.
Ўзга мамлакатлар ой-юлдузлари,
Офтобойларимга тенг эмас асло.

Ишонган тоғимдир бунёдкор халқим,
Азму ғайратига қараб яшнайман.
Энди сустлашишга йўқ сира ҳаққим,
Олдинги сафларда қадам ташлайман.

Истиқлол қуёши порлагай абад,
Бирма-бир ушалар орзу-армоним.
Ойдин келажагинг қўраман албат,
Энг улуғ, энг азиз Ўзбекистоним!

**АЗИЗ АЁЛ**

Сен онамсан — энг муқаддас зот,
Сен ёримсан — малак-паризод,
Сен қиз, опа-синглимдай қанот,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Сен Ҳавосан — момои жаҳон,
Сен Тўмарис — оқила ҳоқон,
Сен Зулфия — шоири даврон,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Сен бор — гулга тўлар қир-адир,
Уфуради ифор, хуш атир,
Кокилларинг ювар Аму-Сир,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Уйғонишинг қуёш пойлайди,
Бир кўрай деб тоғлар бўйлайди,
Соғинчини булбул куйлайди,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Ҳумо қуши қўнар бошингга,
Қалдирғочлар қарар қошингга,
Ари асал қўшар ошингга,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Оёғингга бош қўяди шер,
Амрингга шай довюрак ҳар эр,
Мадҳинг битган Ҳазрат Алишер,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

Сен бор — аждод авлодга пайванд,
Сен бор — ҳаёт жаннатга монанд,
Сен бор — Инсон номи сарбаланд,
Сен шу қадар азизсан, Аёл!

**ДИЛДОР ВА САРДОР**

Сен борсан дунёда, оппоқ тонг отар,
Булбуллар куйлайди энг майин наво.
Гуллар ороланиб ифор таратар,
Қуёш бош кўтарар сочганча зиё.

Шоирлар ёзади сен учун ғазал,
Новвойлар ёпади сенга ширмой нон.
Асалари излар сен учун асал,
Ширин ноз-неъматни тутар дастурхон.

Чеварлар тикади сен учун либос,
Меваларни терар саралаб деҳқон.
Ҳамма яхши нарса сен учун холос,
Сен учун ишлайди бу олам-жаҳон.

Лекин танҳо дилдор, унутма зинҳор,
Барча ошиғингга мен ўзим сардор.

**ОНАМНИНГ САНДИҒИ**

Онамга энг маъқул совғани доим,
Менга танлаб берар севгилим, холос.
Дўконга бораркан, дейман мулойим:
— Совға олаверинг ўзингизга мос.

Керакми, овора бўлмоқлик бекор,
Ёрга тушунтириб қўйганман аниқ:
Ҳеч хижолат чекманг, онамда ҳам бор,
Бўлажак келинга аталган сандиқ.

Шу кунгача қанча совға берсам ҳам,
Барини сандиқда сақлар сиз учун.
Шубҳасиз, бу сандиқ очилади ланг,
Онамга сиз келин бўлиб тушган кун.

**Асрор МЎМИН**




## Тулки қандай уддаладийкан?

Германиянинг Франкфурт ҳайвонот боғидаги ўн бешта Чили фламингосининг қотили тулки бўлиб чиқди.

Боғ раҳбарининг маълум қилишича, буни экспертиза натижалари тасдиқлаган. Аввалига жониворларни нобуд этганларни одамлар деб ўйлашган эди. Чунки махсус электр тўсиқ билан ўралган майдончага бирор йиртқич кириши қийин. Устига-устак ўлган фламинголар атрофида қон излари йўқ эди. Экспертиза қотил тулки эканлигини тасдиқласа-да, йиртқичнинг майдончага қандай киргани ҳалиҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Чили фламинголари табиатда кам учраши сабаб, бу воқеа ҳайвонот боғига қимматга тушди.

## Булутларга бўйлашиб

Саудия Арабистонида қурилиши режалаштирилаётган дунёдаги энг баланд бинонинг биринчи ғишти апрель ойида қўйилади.

«Kingdom Tower», яъни қироллик минорасининг баландлиги бир километрдан ошиши маълум қилинди. 1,2 миллиард АҚШ доллари сарфланаётган бу бино қурилишига 63 ой вақт кетиши мумкин. Айни пайтда дунёдаги энг баланд бино Дубай шаҳрида жойлашган Бурж Халифа биноси бўлиб, унинг баландлиги 828,14 метр, Хитойда эса шу йилнинг ёзига қадар 838 метрли «Sky City» осмонўпар биноси қуриб битказилади.

## Мамлакатда янги солиқ тизими

Украина Вазирлар маҳкамаси бойлик учун солиқ жорий қилишини маълум қилди.

Бош вазир Арсений Яценюкнинг сўзларига қараганда, кимнинг даромади 300 минг гривен (27 минг АҚШ доллари)дан кўпроқ бўлса, у 20 фоиз миқдорида солиқ тўлайди. 500 минг гривен (45 минг АҚШ доллари)дан ортиқ пули бўлган бойлар эса 25 фоиз миқдорида солиқ тўлайди.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдин Франция ҳукумати солиқни 75 фоизга оширганда актёр Жерар Депардье мамлакат фуқаролигидан воз кечган эди.

## Хавфли касаллик

Гвинея Республикасида авж олган Эбола безгаги Канадага кириб борган бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг Саскачеван провинциясида шунга ўхшаш касалликка чалинган бемор даволанаётгани маълум қилинган. Исми ошкор этилмаётган, карантинда сақланаётган бемор Африканинг Либерия давлатида бироз муддат бўлиб қайтган.

Касаллик сабаб ҳозиргача 59 киши вафот этди. Эбола безгаги жуда кам учрайдиган, бироқ ўта хавфли вирусли касаллик бўлиб, одамдан одамга осон юқади ва 90 фоиз ҳолатда ўлим билан тугайди.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

*«Kamolot» loyihalari*



# ПОЙТАХТДА ЁШЛАР КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши «Камолот» кунлари» лойиҳасини ташкил этди.***

Ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, тарбияси оғир оилаларда тарбияланаётган болаларнинг маънавий оламини соғломлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган лойиҳа доирасида Турин политехника университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат ташкил этилди.

Лойиҳанинг дастлабки куни ёшлар махсус автобусларда мазкур таълим муассасаларига йўл олишди. У ерда яратилган шароитлар, имкониятлар ҳамда замонавий таълим бериш жараёнлари билан яқиндан танишишди. Учтепа туманидаги 106-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Рисолат Файзуллаева келгусида Сингапур менежментни ривожлантириш институтида таҳсил олмоқчи.

— Лойиҳа сабаб ўзимиз орзу қилиб юрган олий таълим муассасалари билан танишдик. Кўпроқ менежмент соҳасига қизиққаним боис, институтдаги шароитлар ҳам, ўқитиш тизими ҳам менда катта таассурот қолдирди. Дарсларнинг инглиз тилида олиб борилиши қизиқишимни янада оширди. Ҳозир инглиз тилидан ташқари, япон тилини ҳам ўрганяпман. Мактабни тугатгач, хорижий тилларга ихтисослаштирилган академик лицейда ўқиб, сўнгра Сингапур менежментни ривожлантириш институтига ўқишга кирмоқчиман, — дейди Рисолат Файзуллаева.

Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат ҳам мазмунли ўтди.

— Ушбу музейларга олдин ҳам келганман. Ҳар бир экспонат ҳақида батафсил маълумот олдик. Энди билсам, олдинлари шунчаки томоша қилиш учун келган эканман. Шу сабаб бундай махсус саёҳатларни кўпроқ ўтказиш зарур, деб ўйлайман, — дейди лойиҳа иштирокчиларидан бири, 2-республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Ҳумоюн Мансуров.

Лойиҳанинг иккинчи куни янада қизиқарли бўлди. Дастлаб ёшлар «Ёшлар ижод саройи»да «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркор ва ҳунармандлар, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказларининг кўргазмалари билан танишишди. Ёш тадбиркорлар ва ижодкорлар билан мулоқотда бўлишди. Сўнг «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши қошида ташкил этилган «Сардорлар мактаби»нинг тақдимоти ўтказилди. Кўплаб ёшлар ушбу мактабнинг лойиҳаларида иштирок этиш истагини билдиришди.

Лойиҳа доирасида тенгдошларимиз Эркин Аъзам сценарийси асосида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев режиссёрлигида суратга олинган «Хонадон эгаси» фильмини томоша қилишди.

**Рустам ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири.**
*Рустам Назарматов олган сурат.*

*Sport*

# ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА...

***Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Осиё чемпионатидаги рақиблари номи маълум бўлди.***

2015 йилнинг январь-февраль ойларида Австралия стадионларида ўтказиладиган мазкур мусобақада терма жамоамиз «В» гуруҳида Саудия Арабистони, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикаси терма жамоалари билан кураш олиб боради.

**Умуман, қуръа натижалари шундай бўлди:**

**«А» гуруҳи:** Австралия, Корея Республикаси, Уммон, Кувайт. **«В» гуруҳи:** Ўзбекистон, Саудия Арабистони, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикаси. **«С» гуруҳи:** Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Баҳрайн. **«D» гуруҳи:** Япония, Иордания, Ироқ ва «Чақирув кубоги — 2014» мусобақаси ғолиби.

Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувни Саудия Арабистони билан ўтказади.

**Моҳичеҳра ЎРОЛОВА**

*San'at*

# МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР

***Халқимиз ҳамиша санъаткорларга катта ҳурмат ва эътибор билан қараган. Чин санъаткорлар ҳам ўз навбатида бу ҳурмат-эътиборга ўзларининг ибратли роллари, томошалари билан жавоб қайтарган.***

Республика сатира театрининг Навоий вилоятига уюштирган сафари давомида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Озарбойжон драматурги Юсуф Азимзоданинг «Чала туғилган куёв ёхуд Насриддин» асари асосида Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев саҳналаштирган спектакль, айниқса, томошабинларга манзур бўлди.

Сафар давомида актёр ва режиссёрлар мухлислар билан дилдан суҳбатлашишди.

**Отабек АСЛОНОВ**

# ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

*Бу ўзи оддий кимёвий модда. Лекин у ҳақда жуда кўп мақолалар ва маталлар айтилган. Эртак, достонларда ҳам кишилар унга кўп дуч келишади. Сизга осон бўлиши учун бир хусусиятини айтамиз: унинг бир граммидан нақ икки километрдан зиёдроқ ип ясаса бўлади. Шунча таърифини келтирдик, сиз унинг номини айтинг.*

Жавобингизни **1 апрель** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

***Ўтган сондаги саволнинг жавоби:*** ***Тинч океанидаги Мариана ботиғи.***

*Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков йўллади.*

## YON DAFTARCHANGIZGA

Бир таёқни синдирмоқ мумкин, кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

**Амир Темур**


***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорликда***

## «ТАФАККУР СИНОВЛАРИ»

### Республика танловини эълон қилади

**Танловдан кўзланган мақсад:** Олий таълим муассасалари талабаларининг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, талабаларни тарих, сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ҳамда назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратишдан иборат.

Танлов республика миқёсида март-ноябрь ойлари давомида 3 босқичда ташкил этилади.

Унда республикамиздаги барча олий таълим муассасаларининг талабалари иштирок этиши мумкин.

**Батафсил маълумотларни www.edu.uz ва www.kamolot.uz сайтлари ва (8-371-246-63-78), (8-371)-241-05-83 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.**

***Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда***

## «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

### Республика танловини эълон қилади

**Танловдан кўзланган мақсад:** Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Танлов республика миқёсида март-май ойлари давомида 4 босқичда ташкил этилади.

Унда республикамиздаги ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилмаган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари иштирок этиши мумкин.

**Батафсил маълумотларни www.kamolot.uz сайти ва (8-371)-241-05-83 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.**



Turkiston

**МУАССИС:**
«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

**Бош муҳаррир:** Ашуров Салим Тўраевич

**Таҳрир ҳайъати:** Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

**Навбатчи муҳаррир:** Худойбердиева Дилбар Эркиновна

**Саҳифаловчи:** Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
**e-mail: info@turkiston.uz**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **«Буюк Турон» кўчаси, 41**.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-357. Адади — 12859

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
ЎзА якуни — 21.55

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6